

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.2 (575.1)

ТОШМАТОВ ШУХРАТ АМОНОВИЧ


ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ ВА УНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ  
(Ўзбекистон Республикаси материалларида)

Ихтисослик: 08.00.07.-«Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисод фанлари номзоди илмий  
даражасини олиш учун диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент-2003



336.2(043.3)  
Т-71

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг  
«Сслиқлар ва солиққа тортиш» кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:** - иқтисод фанлари номзоди,  
доцент **Гадоев Э.Ф.**

**Расмий оппонентлар:** - иқтисод фанлари доктори  
**Намозов О.Ш.**  
иқтисод фанлари номзоди, профессор  
**Шамсутдинов Ф.Ш.**

**Етакчи ташкилот** - Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
академияси

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси  
қошидаги К.005.25.01. рақамли Бирлашган ихтисослашган  
кенгашнинг 2003 йил «31» сентябр соат «10» да иқтисод  
фанлари номзоди илмий даражасини беришга бағишланган  
йиғилишда бўлиб ўтади.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов, 16

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия  
академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2003 йилнинг «30» сентябр да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, и.ф.н., доцент



А. Усанов

## I. ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ўтиш даври иқтисодиётида солиқларнинг аҳамияти жуда каттадир, улар ёрдамида иқтисодиёт тартибга солинади, давлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши учун замин яратилади. Бунда, аввало, солиқлар ўз функцияларини самарали ва тўла бажариши керак. Президентимиз таъкидлаганидек «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади. ...давлат бюджетининг даромад қисми энг муҳим умумдавлат, халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этиш учун зарур бўлган миқдорда шаклланишини таъминлаши лозим ...ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак»<sup>1</sup>. Шу муносабат билан солиқ соҳасида ҳам мазмун ва моҳият жиҳатдан мутлақо янгича фикрлаш, солиқ механизмига оид таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида солиқ сиёсатининг стратегик вазифаси давлат бюджетини узлуксиз равишда даромад билан таъминлаш ва ижтимоий неъматларни етказиб беришни амалга ошириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақиллиги ва эркинлигини ҳамда охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишини таъминлашга қаратилган. «Муҳими, солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбатлантириши зарур. Солиқлар корхоналарнинг тадбиркорлиги ва ташаббускорлигини ҳар томонлама рағбатлантириши лозим»<sup>2</sup>. Шундай экан иқтисодиётни эркинлаштириш талаби нуқтаи назардан солиқ муносабатларини такомиллаштириш, жумладан қўшилган қиймат солиғи ва унинг амал қилиш механизмини илмий таҳлил қилиш ўта муҳим ҳамда ўта мураккаб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини тўлақонли шаклланиши учун шарт-шароит яратиш билан бир қаторда устувор йўналишдаги иқтисодий фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Солиқлар фискал функцияни етарли даражада бажаргани ҳолда, уларнинг рағбатлантириш вазифаси иқтисодиётни эркинлаштириш талаби даражасида эмас. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятини қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш орқали рағбатлантириш катта аҳамият касб этади, чунки бу солиқ жами солиқлар тушуми ҳажмининг чорак қисмидан ортинини ташкил қилади. Шу муносабат билан қўшилган қиймат солиғи муаммосини атрофлича илмий ва амалий тадқиқ этиш ўта долзарбдир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 358-бет.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2002. 210-бет.

**Тадқиқот мавзуининг ўрганилганлик даражаси.** Солиқлар пайдо бўлгандан бошлаб уларни жорий қилиш ва ривожлантириш билан мунтазам шуғулланиб келинган. Бу масала замонавий молия илмида ҳам эътиборли бўлиб қолмоқда. Ҳозирги хорижий иқтисодчи олимлардан Р.Кэмпбелл, К.Макконнел, Г.Менкью, А.Лаффер, Лоренц, В.Твердохлебов, С.Фишер, А.Вознесенский, В.Глухов, Э.Тейт, А.Шенк, Е.Глазова, Д.Черникларнинг илмий ишларида солиқ масаласи бевосита ёки билвосита ёритилган. Ўзбекистонда солиқларни умумий таҳлили билан республикаимиз олим ва мутахассисларидан Ё.Абдуллаев, А.Абдуқодиров, В.Беганов, Э.Гадоев, В.Галкин, Ш.Гатаулин, М.Йўлдошев, Т.Маликов, О.Олимжонов, М.Рихсиева, Ҳ.Собиров, Д.Шаулов, Қ.Яҳёев, Д.Ғозибеков, Н.Ҳайдаров кабилари шуғулланишган. Шунингдек солиқ соҳаси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган олимлардан Қ.Бозоров, И.Жалолов, А.Жўраев, Б.Ташмуродова, Б.Умаров, О. Якуббоевларни таъкидлаб ўтиш мумкин. Ушбу олимларнинг илмий ишларида умумий ҳолда солиқларнинг иқтисодийта таъсири ёки айрим солиқ турларини такомиллаштириш кўзда тутилган. Лекин шунга қарамай кейинги йилларда солиқларни таҳлил этишда фаоллик сезилса-да, мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида комплекс равишда ўрганилмаган. Шу билан бир қаторда бевосита қўшилган қиймат солиғига бағишланган адабиётларни етарли, ҳозирги талаб даражасида деб бўлмайдди. Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) масаласи долзарб бўлгани ҳолда, унинг таҳлилига бағишланган ишларнинг ғоят камлиги шу соҳада илмий изланишларни янада изчил давом эттириш зарурлигини тақозо этади.

**Илмий ишнинг мақсад ва вазифалари.** Ишнинг мақсади қўшилган қиймат солиғининг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш асосида унинг моҳиятини очиб бериш ва уни ундириш механизмидаги муаммоларни аниқлаб, такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқишдан иборат.

Белгиланган мақсадга эришиш учун мазкур илмий тадқиқот олдига куйидаги **вазифалар** қўйилди ва ҳал этилди:

- ◆ қўшилган қиймат солиғининг иқтисодий моҳияти ҳамда ўзига хос бўлган белгиларини таҳлил қилиш;
- ◆ қўшилган қиймат солиғининг фискал тузилмадаги ўрнини баҳолаш ҳамда унинг ҳудудий тақсимланишини таҳлил қилиш;
- ◆ қўшилган қиймат солиғи юқининг товарга бўлган талаб ва таклифга қараб тақсимланишини илмий-амалий таҳлил қилиш;
- ◆ қўшилган қиймат солиғи бўйича ундирилаётган бўнак тўловларини бюджет даромадлари ва корхоналар молиявий ҳолатига таъсирини ўрганиш;
- ◆ қўшилган қиймат солиғидан берилган имтиёзларнинг амалий таъсирини аниқлаш;

- ♦ алоҳида солиққа тортиш тартиби жорий этилган корхоналар билан қўшилган қиймат солиғи тўловчи корхоналар ўртасида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- ♦ ривожланган давлатлардаги қўшилган қиймат солиғи тажрибасини Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини аниқлаш;
- ♦ қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш.

**Илмий ишнинг предмети.** Қўшилган қиймат солиғининг ҳуқуқий-меъёрий ва илмий-амалий асослари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар билан давлат бюджети ўртасида қўшилган қиймат солиғини ундириш хусусида юзага келадиган молиявий муносабатлар.

**Илмий ишнинг объекти.** Қўшилган қиймат солиғи тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар, солиқ хизмати идораларининг фаолияти ҳамда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш механизми.

**Илмий ишнинг назарий ва методологик асослари.** Ишда ҳозирги замон солиқлар назариясига таянилди, тадқиқотнинг тизимли ёндашув методологиясига амал қилинди, солиқ тизими молия тизимининг бўғини деб қаралди, бу тизимларнинг унсурлари яхлитликда кўриб чиқилди. Диссертацияда молиячи олимларнинг илмий ишлари, Олий Мажлис қарорлари, Солиқ кодекси ва бошқа қонунлардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари ва турли матбуот органларида эълон қилинган материаллар ҳамда «Интернет» тармоғи маълумотларидан фойдаланилди. Солиқ идоралари, молия вазирлиги, статистика органларининг расмий маълумотлари, корхона ва ташкилотларнинг ҳисоботи ишнинг ахборот манбаи ҳисобланади. Ишда қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш ва динамикада ўрганиш усуллари қўлланилди.

**Илмий ишнинг янгиликлари.** Илмий ишнинг янгиликлари қўйидагилардан иборат:

— қўшилган қиймат категорияси янгича неоклассик синтез нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, уни ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиш нархига кирган устама қиймат деб талқин этилди;

— қўшилган қиймат солиғи иқтисодий моҳияти жиҳатидан қўшилган қийматга нисбатан тўланадиган, лекин истъёмолчидан ундириладиган ва баҳога таъсир этиш орқали аҳолининг турмуш даражасини шакллантирувчи солиқ деб қаралди;

— қўшилган қиймат солиғини ундириш амалиёти унинг моҳиятига мос келавермаслиги, амалиётда реализация ҳажмидан олинадиган солиққа айланиш ҳолларининг мавжудлиги асослаб берилди;

— фойдаланиш учун сотиб олинган асосий воситаларнинг қийматига нисбатан ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи амортизация ажратмасига мутаносиб равишда ҳисобга ўтказилиши зарурлиги таъкидланди, бу бир объектни бир неча бор солиққа тортишни чеклаши кўрсатилди;

— қўшилган қиймат солиғидан берилган имтиёзларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига салбий таъсири ҳам борлиги асосланди, бу билан у нархнинг асоссиз ўсишига олиб келиши, аҳоли харажатларини ошириш юбориши, имтиёзга эга корхоналарнинг фойдасини камайтириши кўрсатилди, имтиёзларни фақат ижтимоий аҳамиятга молик пировард истеъмол товарларига ва экспортбop маҳсулотларга нисбатан қолдириш маъқуллиги асосланди;

— қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш усулининг соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилди, унга биноан йиллик обороти кичик бўлган корхоналар унга ўтказилади, ҚҚС шартли коэффициентлар асосида ҳисобланади;

— қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнак тўловларини мавсумийлик индекси асосида ҳисоблаш ишлаб чиқилиб, бу корхоналарда асоссиз пеня тўловларининг олдини олиши асосланди;

— қўшилган қиймат солиғи бўйича юзага келадиган қарздорлик суммаларига ҳисобланаётган устама жарималарнинг миқдорини икки мартага камайтириш зарурияти асосланди;

— акцизоти товарларнинг реализациясидан ҚҚС ундириш чоғида, унинг солиққа тортиш объектидан акцизни чиқариб юбориш таклиф этилди ва бу адолатлилик тамойилига мос келиши асослаб берилди.

— қўшилган қиймат солиғига оид чет эл тажрибасига таяниб, шаҳар йўловчи транспорти хизмати учун белгиланган ҚҚС ставкаларига нисбатан 30 фоизга пасайтирилган ставкаларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот ишининг илмий-амалий аҳамияти.** Илмий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишда ва шу асосда бюджет параметрларини белгилашда; солиқларга оид қонун ва йўриқномалар ишлаб чиқишда, солиқ ундиришнинг самарасини оширишда фойдаланиш мумкин. Ишнинг илмий натижалари, ундаги маълумотлар солиқ тизимини тегишли ташкилотлар ва айрим муаллифлар томонидан илмий тадқиқ этишда, солиқ ва солиққа тортиш предметини, махсус курсларни ўқитишда қўлланиш мумкин.

**Илмий иш натижаларининг синовдан ўтказилиши ва тадбиқ этилиши.** Диссертация ишининг асосий хулосалари, ундаги таклифлар ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида 1999-2003 йилларда бўлиб ўтган 5та халқаро илмий-амалий конференцияларда, Фарғона Давлат университетида (2001й.), Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитаси Олий Аттестация Комиссияси билан биргаликда ўтказилган(2001й.), шунингдек Солиқ ва Божхона органлари академиясида(2002-2003й.) ўтган 2та, Ўзбекистон Миллий университетидаги(2002й.) конференцияларда қилинган маърузаларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Банк-молия академияси илмий семинарларида профессор-ўқитувчилар ҳамда тингловчилар муҳокамасига қўйилган ва маъқулланган. Иш натижалари хорижий конференцияларда, чунончи Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб ўтган учта конференция материалларида тезис сифатида чоп этилган. Олинган натижалар Ҳиндистонда бўлиб ўтган «Banking and Finance: Risk Management» мавзуидаги халқаро дастур ва Японияда ўтказилган амалий-ўқув дастурида баён этилган. Диссертация авторферати «Интернет» тармоғининг [www.bfa.uz](http://www.bfa.uz) веб-саҳифасига киритилган ва кенг илмий жамоатчилик оmmasига етказилган.

Муаллиф ишлаб чиққан таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва 2002 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасига киритилган ва «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномани ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қабул қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши.** Диссертация ишининг асосий илмий ғояси, амалий тавсиялари умумий ҳажми 2,3 б.т. бўлган тўртта мақола, ўн иккита (шу жумладан учта хорижда) тезислар тарзида матбуотда чоп этилган.

**Илмий ишнинг ҳажми ва таркиби.** Мазкур иш кириш, 3 боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

**Кириш** қисмида тадқиқ этилган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, назарий ва методологик асослари, тадқиқотнинг предмети ва объекти, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти ҳамда иш натижаларининг синовдан ўтказилиши ва тадбиқ этилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи бобида қўшилган қиймат солиғининг назарий жиҳатлари асосланган, яъни ушбу солиқнинг негизи ҳисобланган қўшилган қиймат категориясига мумтоз ва ҳозирги замон олимлари томонидан берилган таърифлар атрофлича кўриб чиқилган

ҳамда унга аниқлик киритилган, қўшилган қийматнинг солиққа тортиш зарурияти асосланган, унинг ривожланиш босқичлари ва афзалликлари кўрилган. Қўшилган қиймат солиғининг мамлакатимиз солиқ тушумларида тутган ўрнига, унинг ҳудудий тузилишига баҳо берилган.

Диссертациянинг **иккинчи бобида** қўшилган қиймат солиғини ундириш механизмида юзага келаётган муаммолар ва ундан берилган имтиёзларнинг корхоналар иқтисодий фаолиятига таъсири таҳлил қилинган, солиқ инспекциялари маълумотлари билан корхоналар ҳисоботлари қиссий таҳлили берилган. Қўшилган қиймат солиғи юқининг ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бозордаги талаб ва таклиф нисбатининг таъсири ўрганиб чиқилган.

Ишнинг **учинчи бобида** қўшилган қиймат солиғининг чет эл мамлакатлари тажрибаси ёритилган, айниқса, Японияда истеъмол солиғи тажрибаси батафсил ўрганилган. Хориж тажрибасини республикамиз иқтисодий шароитларига мослаштириш ва бу асосда қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ишнинг **хулоса ва таклифлар** қисмида олинган натижалар умумлашган ҳолда илмий ғоялар сифатида баён этилган, қўшилган қиймат солиғини мамлакатимизда такомиллаштириш хусусида амалий таклифлар берилган.

## II. ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Солиқ тизимида айнан қўшилган қиймат солиғининг ундириш механизмини такомиллаштирилиши иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «қўшилган қийматдан олинадиган солиқ ставкасининг камайтирилиши оқибат натижада ишлаб чиқаришни жонлаштиришга олиб келиши лозимки, бу нарса иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ғоят катта аҳамиятга эга»<sup>1</sup>. Қўшилган қиймат солиғининг ундириш механизмини такомиллаштиришда, унга қайси томондан ёндашиш муҳим. Биринчи ёндашув солиқ тўловчилар манфаатларини ҳимоялаб, уларга қулайлик бериш тамойилига асосланади. Бу ёндашувга мувофиқ, солиқ тўловчилар берган солиқлар уларнинг ижтимоий хизматлардан оладиган нафлигига мос келгандагина адолатли солиқ тизими бўлиб ҳисобланади. Аммо, солиқ тизимининг адолатлилик тамойили асосида такомиллаштириш Давлат бюджети харажатларининг таркибига боғлиқ бўлади. Иккинчи ёндашув эса солиқ тўловчиларнинг тўлов қобилиятига асосланади, солиқ муаммолари ўз-ўзича давлат харажатларига боғланмасдан мустақил равишда кўриб чиқилади. Бунга

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажақ сарви. — Т.: «Ўзбекистон», 1998. 360-бет.



биноан ҳар бир солиқ тўловчи тўлов қобилиятига қараб солиқ тушумига ўз улушини қўшиши керак. Таъкиллаш лозимки, бу ёндашувлар амалиётда қўлланилса-да, лекин уларнинг биронтасини ҳам мукамал деб бўлмайти, улар афзаллик ва камчиликларга эга, шу сабабли солиқ тизими ҳар икки ёндашувнинг элементларини ўзида мужассам қилади.

Ишда ўрганилган солиққа тортиш объекти қўшилган қийматдир. Тадқиқотда қўшилган қийматнинг иқтисодий моҳиятини ёритиш учун унга мумтоз ва ҳозирги замон иқтисодчи олимларининг берган таърифлари ўрганилган. Диссертант ушбу олимларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда ҳамда ўз қарашларидан келиб чиқиб, *қўшилган қийматни ашёвий ресурслар харид баҳосига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўшилган, товар ва хизматларнинг бозорда сотилиши нархига кирган устама қиймат* деб талқин қилади, товар харажатлари ва нафлилигини бозор тан олганлигини ҳамда уларга пул эквиваленти берилганлигини билдириши асосланди. Қўшилган қийматнинг миқдорини товар сотилгандан кейингина аниқлаш мумкин. Демак, қўшилган қиймат бу ишлаб чиқаришнинг пировард натижасидир. Тадқиқотчининг фикрича, қўшилган қийматни неоклассик синтез нуқтаи назаридан талқин этиш зарур, шундан келиб чиққан ҳолда қўшилган қиймат солиғи механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш талаб қилинади. Қўшилган қийматнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб, ундан олинadиган солиққа муаллиф қуйидагича таъриф берган - *қўшилган қиймат солиғи, бу - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматларнинг бозор нархига нисбатан ҳисобланган билвосита солиқдир.*

Республикамик мустақилликка эришгандан сўнг Давлат бюджетининг қарамлигига чек қўйилди, уни ташқаридан дотация ва субвенция олмасдан тузилиши бўйича талаблар қўйилди. Шу сабабли солиқ сиёсати бюджет даромад ва харажатларининг тенглигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишга қаратилди. Бу солиқ тизимида сезиларли ва муҳим ўзгаришларни талаб қилади. Шу ўринда оборотга солиқ ва сотишдан олинadиган солиқ ўрнига қўшилган қиймат солиғининг жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этади. ҚҚСнинг жорий этилиши бир томондан солиқ тизимида дунёда кенг қўлланиб келинаётган андозаларга ўтиш учун бир қадам бўлган бўлса, иккинчи томондан давлат бюджети даромадларини узлуксиз таъминланиши кўзда тутилди.

Иқтисодий трансформацияни бошидан кечираётган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, билвосита солиқлар, хусусан ҚҚСнинг давлат бюджети даромадларидаги аҳамияти ва салмоғи жуда сезиларли бўлади, шу туфайли иқтисодий тартибдашда ҚҚСдан иқтисодий восита сифатида фойдаланиш зарурдир. Лекин бозор муносабатлари тобора ривожланиб, солиқ базалари кенгая борган сари ҚҚСнинг

давлат бюджетидаги салмоғи тобора камайишга мойил бўлади, тўғри солиқларнинг салмоғи эса ортиб боради. Шу асосда қўшилган қиймат солиғи икки жиҳатли, зиддиятли деб айтиш мумкин. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари тасдиқлайди.

1-жадвал

**1997-2002 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ  
тўловлари тушумининг структураси<sup>1</sup> (% да)**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		1997	1998	1999	2000	2001*	2002*
	ДСҚ бўйича бюджетга тўловларнинг жами тушуми	100	100	100	100	100	100
I	Бевосита солиқлар (ресурс ва мол-мулк тўловларисиз), жами	43,04	37,54	36,04	35,49	37,39	39,0
I.1.	Юридик шахсларнинг даромад солиғи	26,15	21,83	17,75	16,37	14,79	13,43
I.2.	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	14,46	14,73	16,58	16,78	19,66	17,79
I.3.	Кичик корхоналардан олинган ягона солиқ	0,09	0,97	1,69	2,35	2,94	5,11
I.4.	Бошқа даромадлар	2,33	-	0,01	-	-	2,67
II	Билвосита солиқлар, жами	43,83	44,98	46,02	46,32	44,71	42,41
II.1.	Қўшилган қиймат солиғи	27,44	30,54	23,87	23,67	24,77	25,01
II.2.	Акциз солиғи	16,39	14,44	22,15	22,65	19,94	17,40
III	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиқлари, жами	11,20	13,36	12,76	12,40	12,16	10,75
III.1	Мол-мулк солиғи	2,51	3,57	3,64	3,87	3,98	2,64
III.2	Ер солиғи	3,95	4,69	4,84	4,01	3,86	2,92
III.3	Ер остидан фойланганлик учун солиқ	1,41	1,61	1,32	1,45	0,93	1,41
III.4.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,36	0,63	0,46	0,58	0,48	0,50
III.5	Экология солиғи ва атроф муҳитни ифлос. учун тўлов	2,97	2,85	2,50	2,49	2,91	3,28
IV	Бошқа солиқ ва солиқ бўлмаган тўловлар	1,93	4,13	5,18	5,78	5,74	7,84

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҚҚС бюджет даромадларини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллаган. Муаллифнинг фикрича, бунинг асосий сабабларидан бири ҚҚСнинг бошқа солиқларга нисбатан афзалликларга эгалигидир. Афзалликлардан бири маҳсулот сотувчи корхона фаолиятига нисбатан ҚҚСнинг бетарафлигидир. ҚҚСнинг сотишдан олинган солиққа қараганда икки афзаллиги бор. Биринчидан, ҚҚСда товар солиғини уни ишлаб чиқарувчига

<sup>1</sup> Беганов В.С. ва б. «Ўзбекистон солиқ тизими». Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб чиқарилган рисола. Т.: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дўст»-2001 й.

<sup>2</sup> ДСҚ маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

Ўтказиш осон кечади, иккинчидан, ҳисобварақ-фактура базасидаги ҚҚС сотишдан олинадиган солиққа қараганда, солиқ тўловидан бўйин товлашдан ишончлироқ ҳимоя қилишни таъминлайди.

Муаллиф ҚҚС тўловчи субъектлар таркибини ўрганиб, солиққа тортишнинг алоҳида тартиби жорий қилинган кичик, савдо фаолияти билан шуғулланувчи ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи корхоналар фақатгина расман ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатга олинмайди, холос, деган хулосага келади. Муаллифнинг фикрича, айрим фаолият тури билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида солиққа тортиш тартибининг жорий қилиниши бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ҚҚС тўлаш бўйича мажбуриятларидан тўлиғича озод қилинишини билдирмайди. Бу корхоналарда фақат ўз фаолияти натижасида яратилган қўшилган қийматгина солиққа тортилмайди холос, лекин ушбу қўшилган қийматни ҳосил қилишга кетган хомашё материаллар учун уни сотиб олиш пайтида қўшилган қиймат солиғини тўлайдилар. Бу ҳолатда корхона бир вақтнинг ўзида таъминотчига ҚҚС тўловчи сифатида, товарларни сотиб олувчи, ишлар ва хизматларни истеъмол қилувчиларга ҚҚС ҳисобламайдиган корхона сифатида майдонга чиқади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда амал қилаётган қонунчиликка асосан ҚҚСни ҳисоблашда товарни орғиб жўнатиш чоғида ундириш ўсули қўлланилади. Диссертантнинг фикрича бу усул ҚҚСни ундиришда қулайлиги билан бирга бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Биринчидан, маҳсулотни етказиб бериш пайтида ҚҚСнинг ҳисобланиши, ҳали келиб тушмаган маблағлар учун<sup>1</sup> корхона хомашё материалларни ҚҚС тўламайдиган корхоналардан сотиб олган шароитда айланма маблағлар ҳисобидан ҚҚСнинг тўланиши натижасида айланма маблағларнинг бир қисми четланишига олиб келмоқда ва бу корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятига салбий таъсир этмоқда. Иккинчидан, жўнатиш билан товарлар учун маблағлар ўз вақтида келиб тушмаслиги натижасида ҚҚС солиғи бўйича боқиманда миқдорлари кўпайиб бормоқда (республика бўйича жами боқиманда миқдорининг катта қисми ушбу солиқ турига тўри келмоқда). Ушбу муаммо ўз-ўзидан кейинги учинчи муаммони келтириб чиқармоқда, боқиманда миқдорига нисбатан ҳисобланадиган пеня миқдори юқорилиги туфайли, бу корхоналар молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, тадбиркорлик фаолиятига ғов бўлмоқда. Тўртинчидан, мол етказиб берувчилардан олинган хомашё материаллар учун ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган ҚҚС суммаларининг мол етказиб берувчига маблағ ўтказилиши даврдан қатъий назар шу даврда ҳисобга ўтказилиши кўпгина корхоналарда ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича салбий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги ПФ-1154 рақамли Фармони ва унга киритилган ўзгаришларга биноан 15 фонди олинган тўлов амалга оширилган сўнг товарлар жўнатилади, 90 кун ичида тўловнинг қолган қисми амалга оширилиши мумкин.

қолдиқ вужудга келиши ва бунинг натижасида бюджетга тушумларни кескин камайишини келтириб чиқармоқда. Бешинчидан, ҚҚС буйича имтиёз турлари жуда кўп<sup>1</sup>, шунингдек алоҳида солиққа тортиш тартиблари жорий этилган. Натижада маҳсулотни ишлаб чиқарилишидан то истеъмолчига етиб боргунча бўлган босқичларда ўртадаги бўйинга ушбу имтиёзга эга корхоналарнинг тушиб қолиши кейинги бўйиндаги корхонанинг ҚҚСни ҳақиқатда қўшилган қийматдан эмас, сотилган товарнинг тўлиқ қийматига нисбатан тўлашига сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш учун диссертант ҚҚСни ҳисоблаш усулини ўзгартириш зарур деган хулосага келди. У ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун ҚҚСни тўлаш мажбуриятини жўнатилган маҳсулот ёки бажарилган иш ва хизматлар учун маблағ келиб тушган пайтда, ҳисобга ўтказишни сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун мол етказиб берувчига ҳақ тўланган пайтда амалга оширилишини кўзда тутди. Чунки, корхона маблағи келиб тушган товарларнинг реализациясидан ҚҚСни тўлаши корхона айланма маблағларининг бошқа йўналишга четлашишининг олдини олишга имкон бериши билан бир қаторда корхонанинг ҚҚС буйича боқиманда суммаларининг ошиши ва унга нисбатан кагга миқдорда пеняларнинг ҳисобланишини чеклайди. Бу албатта корхонанинг соғлом молиявий фаолият кўрсатишига асос бўлади.

Қўшилган қиймат солиғини аниқлашда солиқ солинадиган айланма миқдор реализация қилинган товарлар, ишлар, хизматлар қиймати асосида, қўлланиладиган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, агар товар акцизности маҳсулоти бўлса акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Шу ўринда, муаллифнинг фикрича, акцизности маҳсулотлар реализациясидан ҚҚС ҳисобланишида мунозарали ҳолат юзага келади, чунки маҳсулотдан ҳисобланган акциз солиғи қўшилган қиймат солиғи тортиладиган объектга айланади. Бу бюджетга ҚҚС тушумини кўпайтиради, лекин солиққа тортиладиган тамойилларига мос келмайди. Диссертант акцизности маҳсулотлардан ҚҚС ҳисоблашда акциз солиғининг солиқ солинадиган айланмага киритилмаслиги ҳисоб-китобларни ихчамлаштириш билан бир қаторда, уни солиққа тортиш тамойилларига мослаштиришга олиб келади деган фикрни олға суради.

Диссертацияда ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот даврида амалда келиб тушган, шу жумладан импорт қилинган ва ҚҚСга тортиладиган айланмала фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар буйича тўланиши керак бўлган солиқ суммасидан иборат эканлиги таъкидланади. Бунга мувофиқ фаолиятдан тўлиқ ҚҚС

<sup>1</sup> Ҳозирда Солиқ кодексига асосан ҚҚСдан 40га имтиёз мавжуд. Фармон ва Қарорлар билан 103дан ошиқ алоҳида корхоналарга вақтинчалик имтиёзлар берилган

тўловчи корхоналар сотиб олган хомашё, материаллар учун тўлаган ёки тўлаши лозим бўлган ҚҚС миқдори ушбу хомашё, материал қачон ишлаб чиқаришга ишлатилишидан қатъий назар олинган пайтда тўлиқ ҳисобга ўтказилади. Ишлаб чиқариш айниқса, саноат моллари ишлаб чиқариш корхоналарида ҚҚСнинг бундай ҳисобга ўтказилиши бюджетга йўқотишларни келтириб чиқараётганлиги очиб берилади. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хомашё, материалларнинг табиий йўқотиш меъёридан ортиқча йўқотилган қисми учун ҳисобланган ҚҚС, ушбу материал сотиб олинган пайтда тўлиқ бюджет томонидан қопланади. Бюджет томонидан қопланган миқдорга давлат зарар кўради, чунки меъёрдан ортиқча йўқотиш бўлган хомашё, материаллар қиймати ҚҚС бўйича ҳеч қандай қўшимча солиққа тортиш айланмасини келтириб чиқармайди. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, диссертант меъёрдан ортиқча йўқотиш бўлган материаллар учун ҳисобга ўтказилган миқдор, ортиқча йўқотиш бўлган ҳисобот даврида чегириб ташланиши лозим деган таклифни илгари суради. Бу бир томондан бюджетга ҚҚС бўйича тушумлар камайишининг олдини олса, иккинчи томондан корхоналарнинг хомашё материалларни табиий йўқотиш меъёридан ортиқча йўқотишларга йўл қўймасликка ундайди.

Диссертация ишида асосий воситаларнинг кирим қилиниши хусусида ҚҚС бўйича юзага келаётган муаммолар амалий маълумотлар таҳлилига таяниб ёритилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Термиз шаҳрида жойлашган корхоналарда асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида маълумот<sup>1</sup>**

Йиллар	1997	1998	1999	2000	2001	2002
Кўрсаткичлар						
I. Жами фаолият кўрсатаётган корхоналар сони:	1191	1185	1277	1783	2053 <sup>2</sup>	2453
II. Жами сотиб олинган асосий воситалар қиймати, млн сўм:	2131,6	1325,9	872,6	975,7	1200,8	1034,6
а) шу жумладан ҚҚС миқдори, млн сўм:	325,2	221,0	145,4	162,6	200,1	172,4
б) унга нисбатан ҳисобланган мол-мулк солиғи, млн сўм:	9,5	17,1	21,8	27,3	36,1	11,5 <sup>2</sup>
в) амортизация ажратмаси шаклида харажатга киритилган ҚҚС миқдори, млн сўм:	43,2	62,6	77,9	96,1	117,9	139,3
г) ундан ҳисобланган экология солиғи, млн сўм:	0,4	0,5	0,7	0,8	1,0	1,1
д) ушбу солиқлар натижасида солиқ солинадиган фойданинг камайиши, млн сўм:	53,0	80,2	100,4	124,2	153,7	150,7
е) фойда солиғидан камайиш, млн сўм:	18,4	26,1	31,3	37,4	39,2	34,3

<sup>1</sup> Термиз шаҳар ДСИ маълумотлари ва корхоналар ҳисоботлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

<sup>2</sup> 2002 йилда мол-мулк солиғи асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига нисбатан 2% ҳисобланган.

Таҳлиллар натижасида асосий воситаларни сотиб олиш пайтида тўланган ҚҚСдан мол-мулк солиғи, экология солиғи ундириладиганлиги маълум бўлди ва бу салбий оқибат келтириб чиқараётганлиги аниқланди. Муаллифнинг ҳисоб-китобларида кўра, 1997 йилга нисбатан 2002 йилда таҳлил қилинган корхоналарда инвестиция шаклида асосий воситаларни сотиб олиш 51,46 %га пасайиб кетган, илгари ҚҚС сифатида тўланган маблағдан яна солиқ ундиришга олиб келинганлиги, шунингдек асосий воситаларга қўшимча солиқ юки тушаётганлиги аниқланган ва бу корхоналарда инвестиция жараёнининг сушлашувига олиб келмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш учун фойдаланишга сотиб олинган асосий воситаларни корхоналар томонидан келишилган баҳоси бўйича балансга кирим қилиниши ҳамда шу баҳога нисбатан ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси асосий воситаларнинг амортизация ажратмасига мутаносиб равишда ҳисобга ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тадқиқотчининг фикрича, асосий воситаларнинг корхона балансига бундай кирим қилиниши, биринчидан, бир объектни бир неча бор солиққа тортишни чеклайди, иккинчидан, корхонани қўшимча айланма маблағ билан таъминлайди. Бу ҳол инвестицияларни ривожлантиришга шарт-шароит яратади ва сармоя қўйилмалариңи давлат йўли билан қўллаб-қувватлашнинг бир тури бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда товарлар текинга берилган тақдирда, қўшилган қиймат солиғига тортиладиган айланма шу пайтда таркиб топган нархлар даражасидан келиб чиқиб, бироқ бундай товарларнинг ишлаб чиқариш харажатларидан паст бўлмаган миқдорда белгиланиши келтирилган. Лекин, корхоналар тугатилганда улар мол-мулкнинг муассислар ўртасида бўлинишига доир айланмаларнинг қўшилган қиймат солиғига тортиш объектига киритилмаслиги изоҳланади. Корхонанинг тугатиладигандаги мол-мулки хомашё материал сифатида бўлса, уни сотиб олиш пайтида тўланган ҚҚС миқдори ҳисобга ўтказилади, яъни бюджетдан тўлиқ қопланади. Муаллиф таҳлиллар орқали бюджетдан қопланган қўшилган қиймат солиғининг ушбу миқдорига солиқ тушуми камайишини исботлаб беради. Диссертант бу 1999 йилгача амалда бўлган сотиб олинган хомашё материалларга тегишли ҚҚСнинг харажатларга сарф қилинишига мутаносиб равишда ҳисобга ўтказилиши тартиби қўлланилган пайтларда ишлаб чиқилганлиги ва ушбу тартиб тубдан ўзгаргандан кейин ҳам сақланиб қолинганлигини кўрсатиб, корхоналар тугатиладиганда улар мол-мулки бўйича олдиндан ҳисобга ўтказилган ҚҚС миқдорининг муассислар томонидан қопланиши солиқ тушумлари бўйича беҳуда йўқотишларнинг камайтиришини асослаб беради.

Тадқиқотчи республикаимиз бюджетига ҚҚС бўйича тушумларни ўрганиш асосида, қўшилган қиймат солиғидан тушумлар мавсумий

характерга эга деган хулосага келади ва буни қуйидагича ҳисоблашни таклиф этади:

$$I_i = \frac{\bar{Y}_i}{\bar{Y}} \times 100\%$$

Бу ерда:

$I_i$  - мавсумийлик индекси;

$\bar{Y}_i$  - ҚҚС бўйича ўртача олти йиллик тушум;

$\bar{Y}$  - жами қаторларнинг ўртача олти йиллик миқдори.

Диссертант ҚҚС тушумининг мавсумийлик индексини ҳисоблаб чиқади (3-жадвал).

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солигининг келиб тушиши ва мавсумийлик индексининг ҳисоб-китоби<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Ҳақиқатда келиб тушган қўшилган қиймат солиғи														Мавсумийлик индекси ( $\bar{Y}_i / \bar{Y}$ ) * 100
	1997 йил У <sub>1</sub>		1998 йил У <sub>2</sub>		1999 йил У <sub>3</sub>		2000 йил У <sub>4</sub>		2001 йил У <sub>5</sub>		2002 йил У <sub>6</sub>		ўртача олти йилда $\bar{Y}_i$		
	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%	Млрд сўм	%	
Йил давомида шу жумладан	73,8	100	113,3	100	127,2	100	171,7	100	239,5	100	324,2	100	174,9	100	100
Ҷумладан	23,6	32,0	33,0	29,1	38,3	30,1	50,7	29,5	69,6	29,1	82,3	25,4	49,6	28,3	113,5
Декабр ойида	9,9	13,4	14,9	13,2	14,8	11,6	17,7	10,3	26,2	10,9	30,5	9,4	19,0	10,9	130,1
Ҳар ойда ўртача	6,1	8,3	9,4	8,3	10,6	8,3	14,3	8,3	20,0	8,3	27,0	8,3	14,6	8,3	100
$\bar{Y}$															

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҚҚС тушумларининг 28,3 фоизи IV чоракка, 10,9 фоизи декабр ойига тўғри келади, яъни декабрь ойининг мавсумийлик коэффиценти 130,1 %га тенг бўлган. Муаллифнинг фикрича, ҚҚС бўйича бундай ҳолатлар шу ойдаги мавсумийлик индексини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши бюджетга мутаносиб равишда кўпроқ маблағ тушишига имкон беради ҳамда келгуси йилнинг дастлабки ойларида ҚҚС туловчиларга асоссиз устама (пеня) ҳисобланишидан сақлайди. Ушбу таклифни тадқиқотчи муайян корхоналар маълумотларини ўрганиш асосида олға суради (4-жадвал).

<sup>1</sup> ДСҚ маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

**Корхоналарда қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб варақалари  
юритилишининг таҳлили<sup>1</sup> (минг сўмда)**

T/p №	Корхонанинг номи	Жами ҳисобланган ҚҚС	Жами камай-тирилган ҚҚС <sup>2</sup>	Тузатишдан кейин ҳисобланган ҚҚС	Ортиқча ҳисобланган бўнақ тўловлари учун пеня
1.	Сурхонтемирбетон ҳ/ж	26370,1	21764,7	4605,4	96,1
2.	Термиз Нон ҳ/ж	37526,0	5159,3	32366,7	64,1
3.	С/Д Нефғмаҳсулот ш/к	822006,7	609005,1	213001,6	4238,8
4.	С/Д Донмаҳсулотлари	137652,2	94324,5	43327,7	702,9
5.	С/Д Деҳқонқурилиш	12065,9	4708,9	7357,0	65,9
6.	1-Автокорхона ҳ/ж	21923,9	8218,9	13705,0	118,3
7.	2512-AVTOJAMLAMA	35427,3	2464,3	32963,0	33,3
8.	MAXSUSTRANS-SERVIS	12326,7	1349,3	10977,4	18,8
9.	NUR маркази	7988,8	1966,7	6022,1	26,1
10.	VERHOLAZ ҳ/ж	68794,6	3678,8	65115,8	53,1
11.	GAZAVTOMATIKA ҳ/ж	53042,4	30375,3	22667,1	9,3
12.	Ширмай-ПАЗ	22997,7	4177,3	18820,4	116,4
13.	2-Автокорхона	166630,3	9074,2	157556,1	262,5
14.	OSIYO FOOD	159540,7	26760,0	132780,7	655,0
15.	MATBUOTNAQLIYOT	126680,0	2325,7	124354,3	48,5
16.	Тошкент Сут ҳ/ж	165948,3	31243,0	134705,3	685,7
17.	Мебелтранс	2470,8	922,6	1548,2	27,7
18.	Бизнес ҳ/ж	20672,9	9376,5	11296,4	281,3
19.	KARVON-SERVIS	23514,3	7952,1	15562,2	108,2
20.	RUSLAN OXJ	58076,0	2980,0	55096,0	39,1
	<b>Жами</b>	<b>1981655,6</b>	<b>877827,2</b>	<b>1103828,4</b>	<b>7651,1</b>

Муаллиф берилган таклифнинг иқтисодиётдаги самарасини 20та йирик корхоналар маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқади ва ушбу корхоналарда 7651,1 минг сўмлик асоссиз устама ҳисобланишидан сақланишни исботлаб берди.

Тадқиқот ишида қўшилган қиймат солиғининг юки ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида тақсимланиши товарга бўлган талаб ва таклиф эластиклигига тескари муносиблиги асосланди. Тадқиқотчининг фикрича, кундалик эҳтиёж молларига (масалан: ун, туз, ёғ) бўлган талаб нарх бўйича эластик эмас ва шу сабабли солиқни юки тўлиқ истеъмолчи зиммасига тушади. Бундай ҳолатда ҚҚСни ҳақиқий тўловчилари аҳоли ҳисобланади, бу солиқ уларнинг кундалик харажатлари ортишига олиб келади. Аини пайтда иқтисодий ночор саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бошқача ҳолатни кўриш мумкин. Ушбу корхоналар чакана нархларни ўзлари ошириб, сотиш ҳажмини барқарорлаштира олмайдилар. Бундай ҳолатда корхона томонидан ишлаб чиқарилган товарга бўлган талаб эластик бўлса, қўшилган қиймат солиғи юки асосан ишлаб чиқарувчи зиммасига тушади ва унинг фойдаси камайишига олиб келади.

<sup>1</sup> Тошкент шаҳар ДСБ ва Сурхондарё вилоят ДСБ маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

<sup>2</sup> Жами камайтирилган ҚҚС миқдорида Ҳукумат комиссиясининг қарорига асосан муддати узайтирилган ва музлатилган солиқ суммалари ҳам мавжуд.



Диссертант қўшилган қиймат солиғи билан товарга бўлган талаб ва таклифнинг эластиклиги ўртасидаги боғлиқликни таҳлил этиб, қуйидаги хулосаларга келди:

- қўшилган қиймат солиғини такомиллаштириш нафақат бюджетни тўлдириш нуқтаи назаридан, балки аҳоли фаровонлигига таъсири нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқилиши талаб этилади.

- талаб ва таклифнинг мувозанатидан вужудга келадиган бозор нархлари даражасига таяниб, ижтимоий аҳамиятга молик товарларга қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар белгилашда унинг мақсадли йўналтирилган бўлишига эришиш зарур.

Диссертация ишида Европанинг қатор мамлакатларидаги ҚҚС ҳисобланиш тажрибасига таяниб, тадқиқотчи шаҳар йўловчи транспорт хизмати учун белгиланган ҚҚС ставкаларига нисбатан 30%га пасайтирилган ставкаларни қўллашни мақсадга мувофиқ деб топди.

Муаллиф Осие мамлакатларидан Япония тажрибасини кенгроқ ўрганиб чиқди, шу ерда амалда бўлган кичик корхоналар учун ҚҚСни ҳисоблашнинг соддалаштирилган тизимини республикаимиз иқтисодиётига мослаштириб жорий этишни маъқул деб топди. Бунда қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашнинг соддалаштирилган тизимига ўтган кичик ва ўрта корхоналарга қуйидаги асосий шартлар қўйилиши маъбул:

1) Тамом бўлган йилда ҚҚС бўйича тўлов суммаси энг кам иш ҳақининг 600 баравари миқдоридан кам бўлган корхоналар ўзининг хоҳиши билан берган аризаси асосида соддалаштирилган тизимга ўтишлари мумкин.

2) Бунда жами товарлар, иш ва хизматларни сотишда ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи фаолият турига қараб белгиланган шартли коэффициентларга<sup>1</sup> кўпайтирилиб, чегириб ташланадиган (ҳисобга ўтказиладиган) қўшилган қиймат солиғи аниқланади.

Муаллифнинг фикрича, Япония тажрибаси асосида умумий даъво муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўйича тўланган ҚҚСни корхоналар ихтиёрига қайтариб берилиши республикаимизда ҚҚСни амал қилиш механизмининг солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили асосида такомиллаштириш имконини беради. Бунда дебиторлик қарзлари умумий даъво муддати ичида ундирилмай қолган ҳамда ҳўжалик суди томонидан тан олинган тақдирда, маъсулотни жўнатиш пайтида давлат бюджетига тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасини корхонага қайтариб берилиши ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг хулоса ва таклифлар қисмида қўшилган қиймат солиғини такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган бўлиб, улар диссертациянинг боблари ҳамда параграфларида асосланган ва

<sup>1</sup> Шартли коэффициентлар тадқиқотчи томонидан ҳар хил соҳа корхоналарининг маълумотлари асосида қилган таҳлил натижасида: унуржи савдо – 0,9; қурилиш – 0,75; хизмат кўрсатиш – 0,7; саноат – 0,5; бошқалар – 0,6.

республикамызда мазкур солиқнинг амал қилиш механизмини тубдан яхшилашга қаратилган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Қўшилган қиймат солиғини хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган товар, бажарилган иш ва хизматларнинг бозор нархига нисбатан ҳисобланган билвосита солиқ сифатида баҳолаш зарур.

2. Қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятини жўнатилган маҳсулот ёки бажарилган иш ва хизматлар учун маблағ келиб тушган пайтда, ҳисобга ўтказишни сотиб олинган товарлар учун мол етказиб берувчига ҳақ тўланган пайтда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

3. Қўшилган қиймат солиғи ҳисоблашда аққиз солиғининг солиқ солинадиган айланмага киритилмаслиги ҳисоб-китобларни ихчамлаштириш билан бир қаторда, солиққа тортишнинг адолатлилик тамойилларига мос келади.

4. Корхоналар тугатилаётганда улар мол-мулки бўйича олдиндан ҳисобга ўтказилган қўшилган қиймат солиғининг қопланиши солиқ тушумларидан асоссиз йўқотишларнинг олдини олади.

5. Табиий йўқотиш меъеридан ортиқча йўқотиш бўлган моддий ресурслар учун ҳисобга ўтказилган қўшилган қиймат солиғи миқдори, ортиқча йўқотиш бўлган ҳисобот даврида чегириб ташланиши лозим. Бу солиқ тушуми камайишининг олдини олади, хомашё материалларни табиий йўқотиш меъеридан ортиқча беҳуда йўқотишларни чеклайди.

6. Фойдаланиш учун сотиб олинган асосий воситаларнинг қийматига нисбатан ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи амортизация ажратмасига мутаносиб равишда ҳисобга ўтказилиши зарур, бу бир объектни бир неча бор солиққа тортишни чеклайди.

7. Қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнак тўловларининг шу ойдаги мавсумийлик индексини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан асоссиз устама жарима ҳисобланишидан сақлайди.

8. Экспорт қилишга мўлжалланган товарлар ишлаб чиқарилиши учун чегарадан олиб киритилаётган моддий ресурслар учун импорт бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши мақсадга мувофиқдир.

9. Қўшилган қиймат солиғи билан товарга бўлган талаб ва тақлифнинг боғлиқлиги туфайли бу солиқ ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолга таъсир этади, уни такомиллаштиришда нафақат фискал мақсадни, балки аҳоли фаровонлигини оширишни ҳам кўзда тутиш зарур.

10. Республикамызда йўловчи ташиш хизматларининг амалдаги ставкаларга нисбатан 30 фоизга пасайтирилган ставкаларда қўшилган қиймат солиғига тортилиши, йўловчи транспортнинг тарифига

таъсир этмайди, транспорт корхоналарини қўшимча рағбатлантиришга туртки беради.

11. Қўшилган қиймат солиғи бўйича бўнак тўлови муддатининг қисқартирилиши корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга ижобий таъсир этади.

12. Кичик корхоналар учун қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрий равишда танлаб олиннадиган соддалаштирилган тизимининг жорий этилиши мақсадга мувофиқдир.

13. Умумий даъво муддати ўтган дебиторлик қарзлари бўйича тўланган ҚҚСни корхоналар ихтиёрига қайтариб берилиши республикада ҚҚСни амал қилиш механизмини солиққа тортишнинг адолатлилиқ тамойили асосида такомиллаштириш имконини беради.

**Диссертация ишнинг мазмуни қуйидаги  
чоғ этилган ишларда баён этилган:**

1. Тошматов Ш.А. Вопросы совершенствования взимания налога на добавленную стоимость. Материалы международной научно-практической конференции «Приоритетные направления развития финансов и либерализации финансовой системы в условиях рыночных отношений». Российская экономическая академия имени Г.В.Плехенова, Москва - 2000г. 4-6 декабря. 106-108 с.

2. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат ва уни солиққа тортиш муаммолари. «Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида эркинлаштириш ва жаҳон тажрибасини қўллашнинг долзарб муаммолари» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: «Молия» 2001й. 30 май 93-94 б.

3. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғини ундиришдаги муаммолар ва унинг инвестицион муҳитга таъсири. «Инвестиция муҳити ва иқтисодий ривожлантиришнинг минтақавий муаммолари» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари. Фарғона, 2001 йил 25-26 май. 12-14 б.

4. Тошматов Ш.А. Японияда истеъмол солиғи қандай ундирилди? // Солиқ тўловчининг журнали. 2001 йил 12 сон. 17-19 б.

5. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат ва уни солиққа тортиш муаммолари. «Ўзбекистон мустақиллиги – унинг фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати» мавзуида аспирантлар, докторантлар ва тадқиқотчиларнинг бешинчи республика илмий конференцияси маърузалар тўплами 2 том. Тошкент–2001 йил 5-6 июл. 270-274 б.

6. Тошматов Ш.А. Налог на добавленную стоимость в области ВЭД – плюсы и минусы. // Обзор финансового рынка. 2001 IV квартал. 4-5 с.

7. Тошматов Ш.А. Табиат ва моҳият, Билвосита солиқлар юқининг тақсимланиш муаммолари. // Солиқ тўловчининг журнали. 2002 йил 4 сон. 18-19 б.

8. Тошматов Ш.А. Проблемы взимания НДС в области внешнеэкономической деятельности Тезисы докладов международной научно-практической конференции «Актуальные проблемы экономики и

новые технологии преподавания». Международный Банковский Институт Санкт-Петербург. 2002, 12 март. 21-22 с.

9. Тошматов Ш.А., Комилов М.М. Қўшилган қиймат солиғи ва уни такомиллаштириш масалалари. «Ўзбекистон банк-молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия бозорига интеграциясининг долзарб масалалари» мавзuidaги халқаро илмий амалий конференция материаллари. –Т.: «Молия», 1999 йил 19 май. 95 б.

10. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғидан берилган имтиёзларнинг корхоналар молиявий хўжалик фаолиятига таъсири. «Ўзбекистон банк-молия тизимини такомиллаштириш ва унинг жаҳон молия бозорига интеграциясининг долзарб масалалари» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Т.: «Молия», 2002 йил 3май. 87-88 б.

11. Тошматов Ш.А., Мухамедходжаев А.Р. Вопросы совершенствования взимания налога на добавленную стоимость в области внешнеэкономической деятельности. Материалы международной научно-практической конференции «Реформирование Бухгалтерского учета и Бухгалтерского образования в соответствии с международными стандартами». Московский Государственный Университет имени М.В.Ломоносова Москва, МАКС Пресс, 2001 г. 28-29 июнь. 357-358 с.

12. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи бўйича аванс тўловларини ҳисоблашни такомиллаштириш масаласи. «Ўзбекистон иқтисодий эркинлаштириш: муаммолар ва ҳал қилиш йўллари» мавзuidaги республика илмий-амалий конференцияси тезислар тўплами. ЎзМУ. Тошкент 2002 йил 17 сентябр. 114-116 б.

13. Тошматов Ш.А. Пути повышения стимулирующей роли налогов в привлечении иностранных инвестиций. // Экономика и класс собственников. 2002. II квартал. 38-39 с.

14. Тошматов Ш.А. Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашнинг такомиллаштириш масалалари. «Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизми» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Солиқ ва божхона органлари академияси. Тошкент 2002 йил 16-17 октябр. 128-129 б.

15. Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғини хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш. «Солиқ ва божхона соҳаси фаолиятини ривожлантиришда тингловчи ёшларнинг ўрни» мавзuidaги илмий- амалий конференцияси материаллари. Солиқ ва божхона органлари академияси. Тошкент 2003 йил 24-25 апрел. 49-51 б.

16. Тошматов Ш.А. Маманов Э.С. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантиришда солиқларнинг роли. «Ўзбекистон банк-молия тизими ислохотларини чуқурлаштириш муаммолари ва уни иқтисодий эркинлаштиришдаги таъсирини кучайтириш» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция материаллари - Т.: «Молия», 2003 йил 3 июн. 309-311 б.

17. Тошматов Ш.А. Республикамизда қўшилган қиймат солиғини такомиллаштиришда хориж тажрибасининг аҳамияти. «Ўзбекистон банк-молия тизими ислохотларини чуқурлаштириш муаммолари ва уни иқтисодий эркинлаштиришдаги таъсирини кучайтириш» мавзuidaги халқаро илмий- амалий конференция материаллари – Т.: «Молия», 2003 йил 3 июн. 302-305 б.

**Аннотация на диссертационную работу Ташматова Ш.А.  
на тему «Налог на добавленную стоимость и его совершенствование  
(на материалах Республики Узбекистан)»  
по специальности 08.00.07. — «Финансы, денежное обращение и кредит»**

Диссертация посвящена исследованию актуальных проблем налогообложения, в частности механизма взимания налога на добавленную стоимость и вносит свой вклад в решение теоретических и практических вопросов совершенствования его исчисления.

Основная цель диссертации - исследование теоретических аспектов налога на добавленную стоимость (НДС), выявления проблем механизма его взимания и разработка путей совершенствования данного налога. В соответствии с поставленной целью диссертантом достигнуты следующие основные научные результаты:

— обобщены теоретические трактовки сущности добавленной стоимости и НДС;

— обоснована авторская точка зрения по дополнению определения сущностей добавленной стоимости и НДС;

— раскрыты несоответствия между теоретическими и практическими аспектами налогообложения НДС и разработаны предложения по их устранению;

— на основе анализа структуры бюджетных доходов выявлена динамика изменения доли НДС в общем объеме налоговых поступлений;

— аргументировано положение, что распределение налогового бремени по НДС зависит от спроса и предложения на товары;

— аргументирован сезонный характер поступлений НДС в бюджет;

— даны практические рекомендации по совершенствованию исчисления авансовых платежей на основе индекса сезонности;

— разработан упрощенный порядок налогообложения НДС для малых предприятий;

— обоснована необходимость снижения размера пени, начисляемый за просрочку налоговых платежей;

— обоснованы рекомендации по исключению акцизного налога при определении объекта НДС по подакцизным товарам;

— разработаны предложения по применению пониженной ставки НДС по услугам городского пассажирского транспорта.

Основные положения, выводы и рекомендации использованы в проекте постановления Кабинета Министров «О прогнозе основных макроэкономических показателей и параметрах Государственного бюджета Республики Узбекистан на 2002 год», а также при разработке инструкции «О порядке исчисления и уплаты налога на добавленную стоимость по производимым и реализуемым товарам (работам, услугам)».

**Annotation on the Dissertation by Tashmatov Sh. A.**  
**«Value Added Tax and its improvement**  
**(On the basis of the Republic of Uzbekistan material)»**  
**Speciality 08.00.07 – «Finances, Monetary Circulation and Credit»**

This dissertation is aimed at studying the important issues in the area of taxation including the mechanism of administering the value added tax (hereinafter – VAT). It is contributing into solving theoretical and practical issues in the area of improving its administration.

The aim of the dissertation is to investigate the theoretical issues connected to VAT and the mechanism of its collecting and the development of ways of improving this tax. According to the aim set, the researcher has achieved the following key scientific outputs:

- theoretical definitions of value added and VAT have been summarized;
- the author's point of view on adding to the content and nature of the value added and VAT has been provided with evidences;
- the discrepancy between theoretical and practical aspects of VAT administration have been identified and the proposals for their eliminating have been developed;
  - on the basis of the analysis of the budget revenue structure the dynamics of changing the share of VAT in the total amount of the tax revenues have been identified;
  - the point that the distribution of VAT heaven depends on supply and demands of the goods;
  - the seasonal VAT revenue into the budget has been justified; the practical recommendations for improving the advanced payments on the basis of seasonal indicator;
  - the simplified order of VAT administration for small enterprises has been developed;
  - the reduction of fines for tax arrears has been identified;
  - the exclusion of the excise tax while identifying the VAT object has been recommended;
  - the proposals for using the lower rate of VAT in the urban transportation.

The main points, conclusions and recommendations have been used in the project resolution issued by the Cabinet of Ministers «On the forecast of the key macro economic indicators and parameters of the state budget of the Republic of Uzbekistan in 2002» and also while developing the Instruction «On the procedures for accounting and paying value added tax on the manufactured and sold goods (works, services)».

<b>Босишга рухсат этилди</b>	<b>22.09.03</b>
<b>Қоғоз бичими</b>	<b>30x42 1/8</b>
<b>Ҳисоб-нашр табоғи</b>	<b>1,1 б.т</b>
<b>Адади</b>	<b>100 нусха</b>
<b>Буюртма</b>	<b>№7</b>

Ташкент Молия Институтини босмаҳонасида  
«RISO» нусха кўпайтириш қурилмасида чоп этилди  
700084, Ташкент, Ҳ.Асомов кўчаси, 7-уй